



ЖАМИЯТ


№ 5 (690)
2020 йил
7 февраль,
Жума

Ижтимоий-сўзета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru



✓ **Чин ошиқлик талқини**
✓ **Даҳонинг илк дўсти**

9 февраль — Алишер Навоий таваллуудан 500 йил ўтган кун



✓ **“Асфальт қилиндими,
энди қазиймиз!”**



Юрт тараққиётининг бош мезони

Биз халқ-таълими ходимлари Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладик. Унда халқимиз истиқболи ҳамда мамлакатимиз равнақи билан боғлиқ муҳим ва устувор фикрлар, вазифалар илгари сурилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилиши таълим соҳаси ходимларини, зиёлилар қатламини беҳад севинтирди. Ҳар қандай иқтисодиётнинг, халқ ҳўжалигининг тараққиёти, шубҳасиз, илм-маърифатга, билимга боғлиқ.

Энди таълимга, хусусан, мактабга эътибор янада ошадиган бўлди. Буни қарангки, 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланар экан. 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказиладиган бўлди.

Мурожаатномада Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизими жорий этилиши ҳам таъкидланди. Демак, қанча кўп ўз устимизда ишласак, рўзгоримизга шунча барака олиб кирамиз.

Жамоамиз билан белгилаб берилган вазифаларни чуқурроқ ўрганиб боришга киришдик. Туманимиздаги мавжуд 49 та умумтаълим мактабида бу ишлар режа асосида бошлаб юборилди.

Туманимиз ўқитувчилари, изланувчанлиги, фидойилиги, янгиликка интилувчанлиги билан ажралиб туради. Буни вилоят ва Республика миқёсида-

ги кўрик-танловларда юқори ўринларни банд этиб келаётганидан ҳам билсак бўлади. Хусусан, 2 нафар ўқитувчимиз “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019” кўрик-танловининг Республика босқичида иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилгани барчамизни қувонтирди.

Жорий йилда ҳам мактабларимизда таълим бериш сифати ва самардорлигини янада оширишга бор куч-қувватимизни сафарбар этамиз.

Бекзод МИРЗАҚУЛОВ,
Оққўрғон туман халқ таълими бўлими мудир

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҒИҒ!**

Абу Райҳон Беруний номидаги Республика бизнес ва бошқарув олий мактаби бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Франциядаги етакчи бизнес мактабларида учрашувлар ўтказди.

Раҳбар ишхонада бўлса, ходим уйига кетолмайdimи?

Қаердаки, тартиб-интизом мустаҳкам бўлса, шу ерда иш унуми юқори, албатта, кайфият ҳам шунга яраша бўлади. Буни ёзилмаган қоида дейиш мумкин. Бироқ мамлакатимизда меҳнат муносабатлари қонун билан тартибга солинган.

Масалан, Меҳнат кодексига ходим учун иш вақтининг нормал муддатлари белгилаб берилган. Кодекснинг 115-молдасига кўра, ходимлар учун ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаган иш вақти нормаси белгиланган. Яъни, 6 кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати 7 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Хуқуқий база таъминланган экан, ҳўш, нега кўп ҳолларда, айниқса, иқтисодий соҳада бу нормаларга риоя қилинмайпти?

Яқинда интернет тармоғида дунё бўйича қайси мамлакатда бир йилда ўртача иш соати қанчага тўғри келиши ҳақидаги мақолани кўриб қолдим. Унда энг кўп ишлайдиган давлатлар Мексика ва Коста-Рика деб кўрсатилган. Бу давлатларда ходим бир йилда 2200 соат ишлар экан. Бу бир кунлик иш вақти ўртача 8 соатга тўғри келишини билдиради. Германияда эса, бу кўрсаткич йиллик 1363 соатни ёки кунига 5 соатни ташкил қилар экан.

Президентимиз томонидан иш вақтини тартибга солиш масаласи анча илгари ўртага ташланган эди. Афсуски, мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, меҳнат муносабатларига бефарқлиги натижасида бу борада сезиларли силжиш бўлмапти.

Ўйлаб қарасак, бутунги кунда иш вақтининг нормал муддатига амал қилишда икки кўринишдаги ҳолатга дуч келинмоқда. Биринчиси, ортиқча иш соатларига йўл қўйилаётганидир. Масалан, иш куни соат 9 дан 18 гача қилиб белгиланган бўлишига қарамасдан, хо-

димлар ушбу муддат ичида бажарилмаган ишларни иш вақти тугаганидан кейин бажаришга мажбур бўлишяпти, яъни иш соати одатдаги 8 соат ўрнига 10 ёки 12 соатга чўзиляпти. Бундан кимга фойда, кимга зарар? Тўғрироғи, фойдасидан зарари кўпроқ.

Биринчидан, бу ходимнинг меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Иккинчидан, бу ташкилот учун иқтисодий тарафдан ортиқча харажат (масалан, ортиқча электр энергияси, сув ва ҳоказолар сарфи) га олиб келади. Учинчидан, ходимнинг ўз оиласи даврасида ўтказадиган вақти қисқаради. Бу, айниқса, фарзандлар тарбиясида ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, ходимларни дам олиш кунлари ҳам асосси равишда ишга жалб этиш ҳолатлари мажуд.

Энди иккинчи ҳолатга назар ташлайдиган бўлсак, айрим вазирлик ва ташкилотларда иш вақти Меҳнат кодекси нормаларига эмас, аксинча, раҳбариятнинг ишда бўлиш-бўлмаслигига қараб белгиланмоқда. Айримлар раҳбарнинг ишдан кетиш вақтини пойлаш билан умрини ўтказётгани сир эмас, ахир.

Демак, ҳар бир соҳада иш ҳажмини аниқ белгилаб олиш, шу асосда ходимларга иш ҳақи тўлаш, белгиланган иш вақтига қатъий риоя қилишни тартибга солиш зарур. Кўшимча меҳнат соати учун тўловларни амалга оширишни йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, ушбу нормаларнинг бажарилишини қатъий назорат остига олиш, бунинг учун тегишли ташкилотлар нуфузи ва масъулиятини ошириш лозим, деб ҳисоблайман.

**Мақсуд ҚУРБОНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати**

Диққат марказимизда कोरोनाвирус

Хитойда тарқалган कोरोनाвирус 20 дан зиёд мамлакат ҳудудига кўчди. Барча давлат ўз фуқароларини ушбу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмоқда.



Ўзбекистон ҳам биринчилардан бўлиб, бу вазифани бажаришга киришди. Яқинда Ухандан ўнлаб юртдошларимиз Ватанга қайтарилган бўлса, орадан бироз вақт ўтиб — 4 февраль куни Хитойда ўқитган ёхуд турли юмушлар билан борган яна 250 нафар ўзбекистонлик давлатимиз томонидан ажратилган махсус рейс орқали Пекиндан Тошкентга олиб келинди.

Биз — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари уларни кутиб олиш тадбирида қатнашдик.

...Йўловчилар самолёт трапидан бошлаб, то автобусларгача бир неча босқичда тиббий-санитар кўриклари ўтказилди. Вирус билан боғлиқ бирорта ҳолат кузатилмаганини айтган Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари барча жараёни кўнгилдагидек ўтказишар эди. Хавф ва таҳдидга ўрин йўқ. Ҳаммаси жойида. Ҳеч кимда ушбу вирус билан боғлиқ касаллик аломати сезилмади. Назорат муваффақиятли ўтди.

Бундай манзарани кўриб, ҳулоса қилдикки, юртимизда инсон қадри янада юксалмоқда. Бу Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг халқимиз соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги гамхўрлиги ифодасидир.

Юртдошларимизни кутиб олар эканмиз, муҳими, хавотирларимиз ариди: ҳамма соппа-соғ. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

**Наврўз РИЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Фуқароларнинг соғлигини
сақлаш масалалари
кўмитаси аъзоси**

Аёл муҳтожлик ва кўрқувдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Бу барча давлатлар ва жамиятларда қонунлар билан кафолатлаб қўйилган. Имкониятга эга аёллар бутун оилалар ва жамоаларнинг саломатлиги, келажак авлод учун истиқболларни яхшилашга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, афсуски, аёллар ва қизларга нисбатан камситиш, шу жумладан, жинсга асосланган зўравонлик, иқтисодий камситиш, репродуктив саломатликдаги номутаносибликлар ҳамда зарарли анъанавий амалиётлар тенгсизликнинг кенг тарқалган ва доимий шакли бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқлар тенглиги кафолатланган

Юртимизда ҳам эркаклар ва аёллар ҳуқуқий ҳолатининг тенгизлиги уларнинг тенглиги ётади. Булар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини қабул қилган ва акс эттирган Конституциямизда белгиланган. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, улар учун тенг шароитлар яратиб беришга катта эътибор қаратилаётганига яққол мисол қилиб, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганини келтириш мумкин.

Аёллар учун ҳуқуқий ва сиёсий ислохотларни, гендер нуқтаи назардан маълумот йиғишни тарғиб қилувчи, уларнинг соғлигини яхшилайдиган, ҳаётдаги танловини кенгайтирадиган лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи бир қанча ташкилотлар ва муассасалар мавжуд. Шундай бўлса-да, одатда эркакларга қараганда улар тиббий ёрдам, мулкка эгаллик, кредит олиш, ўқитиш ва ишга жойлашиш имкониятларидан камроқ фойдаланади. Уларда сиёсий фаоллик камроқ ва оилада-

ги зўравонлик қурбони бўлиш эҳтимоли ҳам юқори. Бунга қўллаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Гендер тенглигини рағбатлантиришнинг муҳим жиҳати аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдир. Бу кучлар ўртасидаги номутаносибликни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва аёлларга ўз ҳаётини бошқариш учун кўпроқ автономлик беришга қаратилган.

Уйдаги зўравонликка қарши қонунлар кўпинча аёллар номидан амалга оширилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, гендер тенглик, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масаласи дастурлаш ва сиёсат юритишнинг барча даражаларида стратегик аралашувларни талаб қилади.

Макронқисодий сиёсатда аёлларнинг ресурслардан фойдаланиш имконияти пастиги ва гендер масалаларига эътибор қаратилмаслиги ҳам тенгсизликни кучайтиради. Бу, ўз навбатида, гендер тафовутларни кучайтиради. Масалан, қизлар ўспиринлик ёшига етганда одатда уй юмушларига

кўпроқ вақт сарфлаши керак, ўғил болалар деҳқончилик ёки иш ҳақи билан ишлашга кетади. Агар ота-она қизларини иш ҳақи олиш ёки меҳнат бозоридан иш ҳақи олиш эҳтимоли кам деб билса, улар таълим олиши учун маблағ сарфлашга мойил бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун эса таълим орқали аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу аёлларни ривожланиш жараёнида тўлиқ иштирок этиш учун зарур бўлган билим, кўника, муҳими, ўзига бўлган ишончни кучайтириш вазитасидир.

Шу муносабат билан мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш муаммоларини ўртага қўйиш ва амалга ошириш, уларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилган. Унинг асосий вазифаларидан бири этиб хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини, стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш белгиланган. Бу бўйича ҳар йили Олий Мажлисга ахборот тақдим этиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан самарали ҳамкорлик амалга оширилади.

**Алишер ХАТАМОВ,
Тошкент шаҳар Бектемир тумани адилия бўлими бошлиғи**



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонуи устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Давлат қурилиш назоратининг янги тартиби жорий этилади.

“ҲАМ НОГИРОН БЎЛДИМ, ҲАМ АЙБДОР!”

“Янги ҳаёт” да суд ростдан бўлдими, ёки..?

Грузияда расмийми, норасмийми, бир темир қонун бор экан: ўз она тилини билмаган фуқарога қандай соҳани танлашдан қатъий назар, олий маълумотлики дипломи берилмайди. Тамом-вассалом! Бизда эса миллат тилини, нутқ ва имлони ҳамма билиши шарт эмас, ўз соҳасини чуқур билса бўлди, деган ноқис тушунча ҳамон ҳукмрон. Оқибатда аксарият давлат амалдорлари, айниқса, суд, ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул мансабдорлари Шўро давридан ҳозирга қадар она тилимизга бепасанд қараб келади. Шу боис суд ҳукмлари, ҳал қилув қарорларию ажримларининг жумлалари ниҳоятда узун ва тушунарсиз. Худди юк поездларининг узундан-узун вагонларига ўхшаб кетади.

Мақоламизни тергов ва суд идораларида ҳукмлар, ҳал қилув қарорларию ажримларининг билмасдан ё атайлаб тушунарсиз, ғализ ёзилишидан бошладик. Аммо асосий мавзунимиз бу эмас. Балки инсон умрини ўғирлаб, асабларни эгавлаб, қисқа муддатда ҳал этиш мумкин бўлган масалаларни атай чигаллаштириб, у ёқдан бу ёққа коптокдек тепаётган баъзи бир ички ишлар идораларининг суриштирувчилари, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ва ҳали-ҳануз оддий фуқаролар қалбиде давлат сиёсатидан норозилик уйғонишига сабаб бўлаётган судьялар ҳақида...

Собиржон Каримов иккинчи гуруҳ ногирони, сурункали юрак етишмовчилиги, қон босими, қандли диабет касалликларидан азият чекади. Бир эмас, икки бора оғир юрак инфарктини бошдан кечирган. Ана шу 62 ёшли касалдан инсон учун 2018 йилнинг 23 декабри омадсиз кун бўлди.

Ўша кунуи у автоҳалокатга учради. Кундузги соат ўнларда Денов шаҳри Шароф Рашидов кўчасидан “Jentra” русумли автомашинасида ортга қайрилиш учун йўлнинг узук чизиқли полосасидан ўтган эди. Шу пайт “Cobalt” русумли машина ҳайдовчиси катта тезликда келиб, С. Каримов бошқарувидаги “Jentra”ни уриб юборди. Табиийки, иккала машина ҳам жиддий шикастланиб, пачоқланади. Зарба чунонам кучли эдики, ортга қайрилаётган “Jentra” айрилиб, тескари тарафга бурилиб қолади.

Фарзанди тенги икки йилгитинг важоҳатию ҳақоратларидан қон босими ошиб, юраги хуруж қилган С. Каримов воқеа жойидан касалхонага олиб кетилади. Бу ҳам етмагандек, “Cobalt” ҳайдовчисининг оила аъзолари бир неча бор С. Каримовнинг турмуш ўртоғи ишлайдиган поликлиникага бориб, “Эринг

машинамизни тузатиб берсин ё болаларимизни уйингга олиб бориб ташлаймиз, боқасанлар!..” дея ҳамкасблари ва беморлари кўз ўнгида бепашна сўзлар билан ҳақоратлайди...

Орадан бир йилдан зиёд вақт ўтибди ҳамки, ҳар икки томон бир-бирини айблашдан тўхтамапти. Савол тугилади: Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари, қилни қирқ ёришга қодир суриштирувчилару судьялар ушбу жанжалга қисқа муддатда нуқта қўйса бўлмасми? Ўша кунда автоҳалокат чизмасини тескари кўринишда чизган ва баённомасини тузган Денов туман ИИБ ЙХХБнинг истъфодаги собиқ инспектори Тойир Рустамов ва амалдаги инспектор Илҳом Сатторовлар қаласавод эдимиз, ё қасддан ишқал қилдимиз билмадик?! Ушбу аварияга оид маъмурий иш ҳужжатларини тузган икки мутахассис жуда кўп процессуал хатоларга йўл қўйган.

Инспектор И. Сатторовнинг қарорига биоан Х. Сулаймонова номидеги Республика Суд-экспертиза марказининг Сурхондарё вилоят бўлими эксперти А. Н. Тўраев берган хулосада “Ҳодиса жойида тўқнашув содир этган транспорт воситаларининг филдиракларидан қолган тормоз излари аниқланмади...” дейилган. Ваҳоланки, қаттиқ тормоз босилганда ҳар қандай ҳолатда ҳам асфальт йўлда филдирак излари қолади. Дастлабки суриштирув ва суд жабрдийда деб эътироф этаётган “Кобальт” ҳайдовчиси Ойбек Бобоназаровнинг “...Соатига 50 километр тезликда келаётган “Jentra” ҳайдовчиси беш-олти метрлар масофадан, кутилмаганда йўлимга чиқиб кетди. Ёгингарчилик туфайли ҳар қанча тормоз боссам ҳам машинамини тўхтатиб қололмадим...” деган кўрсатмаси ҳам ўта шубҳали. Соатига элликми, олтимиши километр тез-

ликда бораётган ҳайдовчи йўлни бемалол яхши назорат қила олади. Тормоз босганида йўлга тасодифан чиққан машинани йўлнинг қарама-қарши тарафига суриб айлантириб юбормайди. Буни билиш учун академик бўлиш шартмас. Таажжубли томони, жаноб экспертлар ҳозиргача тўқнашган машиналарнинг тезлиги ҳақида аниқ маълумот бергани йўқ.

“Воқеани кўздан кечириш баённомаси”нинг иккинчи варағида уни тузган инспекторнинг, ҳайдовчилару ҳолисларнинг ҳам имзолари мавжуд эмас. Баённомада ҳам, чизмада ҳам С. Каримов бошқарувидаги “Jentra” автоулуси тўхтаб турган йўлнинг ўнг томонидан тўқнашув нуқтасигача бўлган масофа аниқланмаган ва акс эттирилмаган. Тўқнашув чизмаси ИИБ тизимида ишламайдиган, бу ишга умуман ваколати бўлмаган шахс томонидан мутлақо тескари ҳолатда чизилишининг ўзи ҳам ушбу жараёнларнинг бошиданок қонун талаблари жиддий бузилганини аниқлатади.

С. Каримовни ҳуқуқбузар, О. Бобоназаровни жабрланувчи деб эътироф этишга асос қилиб олинган, яъни воқеа акс этган видеодискини қабул қилиб олиш баённомасида уни тақдим этган шахсининг имзоси йўқ. Бу эса, инспекторнинг ҳолислигига бўлган шубҳа ва гумонларни янада кучайтиради. Воқеа жойига етиб келган инспектор Илҳом Сатторов автоаварияни тўлиқ тасвирга олган-у, бироқ кейинчалик ўша тасвирни “Сифатсиз чиқди”, “Йўқолиб қолди” деган баҳоналар билан иш ҳужжатларига киритмаган. Айнан, автоҳалокат аниқ акс этган тасвир йўқотилгач, иккинчи томоннинг фойдасига хизмат қиладиган видеодискини бошқа бир ҳайдовчидан мутлақо ноқонуний тарзда, махсус баённома тузмасдан қабул қилиб, иш ҳужжатларига қўшиб қўймоқда.

Ана шундай хурмача қилиқлари сабаб хизматдан четлатилган ноқобил инспектор тўплаган далиллар суд томонидан номақбул, дея эътироф этилмоғи жоиз эди. Фаолияти давомида мунтазам равишда қовун туширишга обдон ихтисослашиб кетган инспектор Илҳом Сатторовнинг автотўқнашувларнинг асл айбодори ўрнига жабрланувчиларни айбдор қилиб, расмийлаштиришни ҳамма ҳам илғайвермайди. Ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаб етарли тажриба ва малака тўплаган Собиржон Каримов бу ҳолатни ўз бошидан кечириб, унинг ишқалларини фош эта бошлаган, раҳбарият уни ими-жимида вазифасидан четлатади.

Бу тахририятнинг эмас, балки биз таяниб ушбуларни

келтираётган Республика Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази ҳамда дастлабки суд қарорини бекор қилган кассация инстанцияси судининг эътирофларидир.

Жавобгар С. Каримовнинг фикрича, тўқнашув жойини ўзида бутунлай тескари акс эттирилган чизма-ни инспекторлар кейинчалик қайтадан чизилган. Шу боис, унда ва суддаги маъмурий иш жилдида турган иккала баённомада ҳолисларнинг имзоларини қўйдиришга улгуришмаган. Ўзининг имзоси эса сохта-лаштириб қўйилган. “Ҳам ногирон бўлдим, ҳам айбдор”, дейди С. Каримов.

Судьялар, ҳар қандай вазиятда ҳам “Фақат ва фақат қонунларга таянган ҳолда ҳукм чиқаришга” тантанали қасамд қилган бўлса-да, “Нега сиз томонингиздан тузилган автоавария баённомасида исм-шарифлари келтирилган икки нафар ҳолисларнинг имзолари йўқ?” деган саволга гувоҳ-инспекторнинг: “Бу менинг эътиборсизлигим...” деган жавобидан сўнг ҳам баённомани номақбул далил деб топмагани галати-да. На судья ва на бу ҳақда ариза қабул қилиб олган туман прокурори томонидан “Нима учун автоаварияни бошқа бир шахснинг видеорегистраторидан дискка кўчириб келиб сизларга тақдим этган жабрланувчини бу ҳақдаги баённомага имзо чектирмагансиз?” каби саволлар бирор марта ҳам берилган эмас.

Суд уни монатак йўли билан сохталаштирилмаган деган хулосани вилоят “АТР” телевидениеси директори А. Топшевнинг жавоб хати (08.05.2019 й) га таянган ҳолда чиқармоқда. Бироқ бу идора раҳбарининг эксперт сифатида хулоса бериш ваколати борми? Қандай асосда ва қай тартибда хулоса бериши мумкин? Қачонки, лицензияю гувоҳномасида белгилаб қўйилган вазифалари мутлақо бошқа нарсалардан иборат бўлса?

Бундан ташқари, тўплаган барча ҳужжатлар Денов ИИБ бошлиғи имзоси билан 2019 йилнинг 10 февраль кунуи туман Маъмурий судига юборилган. Ўшанда қирқ тўрт варақдан иборат бўлган ҳужжатлар яна тўрт бетга кўпайиб қолган. Сабаби “Дело” ҳуқуқбузар дея

эътироф этилган С. Каримовнинг зарарига ҳозиргача сунъий равишда семиртирилмоқда. Эксперт хулосалари тўқнашув содир этган автомобилларнинг тезлиги аниқланмаган ҳолда берилган. Бу ҳақда воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида ҳам, чизмада ҳам, инспектор Илҳом Сатторовнинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарориде ҳам кўрсатилмаган.

Одатда автотўқнашув содир бўлганда, ким жабрланувчию ким жабр этказувчи бўлишдан, авариядан зарар кўрган уловлар сони қанча эканлигидан қатъий назар, барча автомашиналарнинг қай даражада шикастланганлиги аниқланиб, ҳужжат (опись) қилиниши шарт. Суриштирувни бирёқлама олиб борган, баённомаларни эса, ҳолислар гувоҳлар имзосисиз, ҳуқуқбузар деб топилган шахсининг сохта имзоси билан ўзлари хоҳлагандай “ясашган” инспекторларнинг фақат О. Бобоназаров бошқарувидаги “Cobalt” автомашинасигагина қанча миқдорда шикаст, зарар етганини ҳужжатда қайд этгани уларнинг хатти-ҳаракатлари нақадар шубҳали эканидан очик далолат эмасми?

2019 йилнинг 18 февралдаги дастлабки суд мажлисини Денов туман маъмурий суди ҳуқуқбузар С. Каримов иштирокисиз ўтказди. Бу пайтда у навбатдаги юрак хуружи ташхиси билан Термиз шаҳридаги вилоят кардиология касалхонасида даволанаётган эди. Уларга қонунчиликни теран биладиган ҳуқуқбузарнинг судда иштирок этганидан эътибори маъқулроқ эди.

Суд жавобгар билан телефон орқали гаплашиб, унинг вилоят касалхонасида даволанаётганини била туриб ҳам, уй манзилига шошилчиннома жўнатади. Ҳолбуки, айнан ўша кезларда С. Каримов оиласи бу манзилда яшамаётган эди. Негаки, шаҳардаги жадал қурилишлар сабаби, улар истикомат қилиб турган уй бузиб ташланганди.

Қўлимизда мавжуд далиллар ўша илк суднинг аслида бўлган-бўлмаганига шубҳа уйғотди. Бундай деяртаганимизнинг сабаби судья О. Эронкулов раислигида кечган Денов туман маъмурий судининг мазкур қарориде суд мажлиси туманнинг “Янги ҳаёт” маҳалласида сайёр тарзда ўтгани таъкидланган. Қизиқ томони, худди шу маҳалла раиси Х. Соҳибовнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган (11.03.2019 й. №295) маълумотномада бунақанги сайёр суд мутлақо бўлмагани айтилмоқда. Боз устига ўша санада “Янги ҳаёт” маҳалласида умуман сайёр суд бўлиб ўтмаганини Денов туман Адлия бўлими ҳам тасдиқлаган. Бу бедодлик нимадан далолат? Ё Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётган “адолатли пулга сотишдек иснодли иш” ҳамон авжилдами?

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
журналист



Энди “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти тасарруфида тўртта касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади.

Кўнгирак чалиндию ўқувчилар шошилиб синфга югурди. Чунки энг қаттиққўл ўқитувчининг дарси эди-да...

давом этди.) Барибир, чорак охирида ҳамма устозлар билимга ёки дафтарга эмас, чўнтакдаги соққага қараб баҳо қўйишади-ку! Нима қиламан ўзимни қийнаб, ундан кўра, якунийга пул ишлаб топаман...

Шавкатнинг энсаси қотиб, жимгина устоздан узр сўради-да, жойига бориб ўтирди. Доскада “Биз коррупцияга қаршимиз” сўзлари ёзилган, ҳамма иншо ёзиш билан овора. Шавкат ҳам бировдан ручка, бировдан қоғоз ол-

леждаги билимим умуман етмаслигини тушуниб, қўшимча фанлардан “репети-тор”га борардим.

Деярли ҳамма устоз бизни хайратта соларди. Математика фани ўқувчимиз жуда талабчан эди. Ҳамма фанлардан якунийни пул билан амалласа бўлади, аммо бу фандан кўрқардик. Лекин бу кўркүв узоққа бормади. Курсдошимиз Нафиса матема-

“Якунийга пул ишлашим керак!”



Шавкат бу сафар ҳам дарсга кеч қолди. Устоздан дакки эшитавериб, безган бу бола учун дарснинг умуман аҳамияти йўқ. Уйга вазифага келганда эса ўзини касалга солиб, баҳоналар қилиб, қутулиб қоларди.

У қулоғида “наушник”, оғзида сақич, чайнаб кириб келди. Бу ҳам етмагандай, безрайганча, “майлими”, дея қўлидаги ҳамёнини ўйнади. Табиийки, устознинг жаҳли чиқди:

— Яна кеч қолдинг! Дарсга бунча бефарқсан, сен бола! Бугун назорат иши, лекин қўлингга на дафтар, на ручка бор?!

— Э-э-э устоз, ўқиб олим бўлармидим? (Мийиғида кулди-да, гапида

Устоз чидаб туrolмади. Қўлини паҳса қилганча:

— Нималар дейсан?! Ўйлаб гапир аҳмоқ. Бошқа устозларингни билмайман-у, лекин мен... ўқувчининг билимига, хулқи-га қараб баҳо қўяман. Тамом, бошқа гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

ди-да, бисотида нима сўз бўлса ёзиб қўяверди. Бахтга қарши бу бисот ҳам у қадар бой эмаслигини барчамиз билардик...

Эртаси куни бошқа фандан назорат иши олинди керак эди. Ҳали бошланмагани боис, гуруҳ сардори ҳаммага эълон қилди. “Коррупция”дан ўқитувчимиз “4” баҳо учун фалон сўм, “5” учун фалон сўм, деб белгилабди. Хайратда қолмадик. Чунки бу биз учун янгилик эмасди. Гуруҳ сардори ҳеч кимга айтмаслигини тайинлади. Лекин касални яширсанг, иситмаси ошкор бўлади, деган гап ҳам бор.

Гап шундаки, биз таълим олган даргоҳда маънили дарс бўлмас эди. Негаки, устозларимиз дарсини ўтиш ўрнига бирор чўпчак ёки оилавий муаммоларини гапириб, вақт ўтказиб чиқиб кетарди. Биз эса мавзу ҳақида ҳеч нарса ўрганмасдик. Якунийга келганда ўтилмаган мавзуларни талаб қилишарди. Мабодо коллеж раҳбари дарслар ўтилатганини назорат қилиш учун айлангудай бўлса, ўқитувчи доскага мавзунини ёзиб, бизга “хоҳлаган нарсаларингни ёзинглар фақат тинч ўтирсаларинг бўлди” дерди. Коллежимиз худуди камералаштирилгани учун курсдошларим давомат учун, дарслар сўнг туни билан ишлайдиган йигитларимиз ухлаш учун келарди, холос...

Олий таълим муассасасига кириш ҳар кимнинг орзуси. Бу орзулигича қолмаслиги учун ўқиш керак, ахир. Кол-

леканидан умуман яхши ўқимас, дарсга келиб-кетгани учун зўрга “3” баҳо оларди. Бунни қарангки, якунийга келиб, баҳоиси “5”га айланиб қолса бўладими. Ҳаммага мақтаниб чиқди. “Эпласанг, қандингни ур деганлари шу эканда” деб қолавердик...

Биласизми, гуруҳимиздан 3 кишига қизил диплом берилди. Ҳамма хайрон. Бу диплом ўтилмаган дарслар учунми? Ёки устозимизнинг бизга берган сафсата гаплари учунми?

Баъзи устозларимиз “Барибир коллежлар ёпилади. Ҳозир сенлардан фойдаланиб қолмасак бўлмайди-да” деб кулги аралаш очикча пул талаб қиларди...

Шукрлар бўлсинки, олий таълим муассасасига ўқишга кирдим. Агар коллежда дилдан ўқитишганда эди, ота-онанинг ортиқча маблағини сарфлаб қўшимча дарсга бормасдик.

Ота-онанинг имкони бор эканки, мени амаллаб олий таълимда ўқитишпти, лекин моддий шароити етарли бўлмаган дўстларим ҳам бунни хоҳлайди, орзу қилади...

...Уша куни Шавкат ҳамёнидан бир сўм ҳам чиқармади. Энди унга баҳонинг фарқи қолмади. Ҳатто, ҳозир бўладиган назорат ишга қолишдан наф йўқлигини ўйлади-да, хонадан чиқиб кетди...

Балки, у якунийга пул тўплаш учун ишлагани кетгандир!

Гулҳаё ҲУСАНОВА

“Одамлардан қоч! Тоққа, бўриларга”

Бозорда эркаклар пайпоғини сотиб ўтирган киши ёнига яқинлашдим. “...ювганда ранги чиқиб кетмайдими...” деган саволимга “... агар ранги чиқиб кетса, топган пулим ҳаром бўлсин, берган пулингни боламнинг ўлигига ишлатай”, деди. Дарҳол уч жуфт пайпоқ сотиб олдим.

Ҳар гал пайпоқни юваётганимда ундан чиқаётган қоқ-қора ранг гўё пайпоқдан эмас, менинг сим-сиёҳ дилимдан оқаётгандек титрашга тушаман.

Нега ўша саволи бердим, нега уни қасам ичишга мажбур қилдим, дея.

Шўролар даврида ёғи олинган сутни чўчкаҳоналарга жўнатишган. Чўчкабоқлар эса ёғсиз сут чўчкаларнинг ошқозонини бузали(!!!), дея уни чўчкаларга ичирмай, сувга оқиштиган. Ҳар гал чақалогимга сут олгани уйдан чиқар эканман, Шўро даврининг чўчкаларига ҳавасим келади.

Мен Фридрих Ницшени ёмон кўраман, лекин унинг бир фикрига қўшилиман: “Одамлардан қоч! Тоққа, бўриларга!!!”, дейди у.

Аллоҳ таоло Куръонда: “Асрга қасамки, инсон зиён-заҳмат ичиладир”, дея марҳамат этади. Бозорни мен зиён-за-

ҳмат, бало, офат кўпириб турган денгизга ўхшатаман. Агар бозорга киришдан аввал, бозорга киришга ўқиладиган дуони ўқимасам, албатта, алланаман, ўша денгизга чўқаётганга ўхшайвераман. Шунда тоққа, бўриларга қочгим келиб қолади, бўриларни соғинаман. Зикр билан қуролланиб, сўнг шайтоннинг масжидига кирганимда эса, зирҳим ила ҳар қандай балодан омон чиқаман. Зикрни унутган, зирҳсиз кечаётган кунларимиз гўё Юнус алайҳиссаломни ютган балиқнинг қорнидек тор ва зулматлидир. Зеро, Юнус алайҳиссалом зикр ила у қоринни саройга айлантирган эдилар.

Яна бошларимиз нафс отлик зулмкорга ҳаля бўлиб кетаётганидан хавфдам, гўё Закариё алайҳиссаломнинг боши Бани Исроил золимларига ҳаля этилгани каби.

Кўнгиллар бири бирини севмас ҳо-

латдамиз, дил сиёҳ рангига Фиръвоннинг соқоли мисол. (Илк соқолини қорага бўяган инсон Фиръвон эди. “Соқолларингизни қорага бўяманг, у жаҳаннамнинг рангидир”, дея марҳамат этган эдилар Расулulloҳ с.а.в.) Кўчага чиқишим билан ерга қарайман, ерга ачиниб кетаман, чунки ҳамма унинг юзига тупурган.

Қаёққа қарай?!

Куёшга қараб бўлмасам...

Қалбдаги нурнинг саксон миангдан



бир бўлагига эга ўша куёш ҳам фақат оламини ёритар, бизнинг сим-сиёҳ дилларимизни ёрита билмас.

Одатда ОИТС (СПИД) деганда ҳаммани ваҳм қоллайди. Аслида унинг давоси бор. У ортирилган иммунитет танқислиги, аммо туғма, азалий, ортирилган иммунитет танқислиги номили бир хасталик бор. Инсонларда ўша иммунитетнинг пасайиши ёки йўқлиги хавфлироқ.

У – иймон иммунитет.

Бишри Хофий ҳазратлари “Ўлимнинг давоси бор, у иймондир” деганлар. Ўлимгача бўлган касалликларнинг давоси ҳам шу. Чунки у оғриқларга, санчиқларга, тигларга қаршилиқ кўрсатади, қийинчиликларга сабр қилади, курашади. Ундан кучлироқ, курашувчанроқ бошқа иммунитетни билмайман.

Нафақат иммунитет, юракларимиздаги оташ тафти ҳам Иброҳим алайҳиссаломни ёндирмоққа ожиз олов мисоли сунт.

Рипарни бўса олмоққа чорлаган маликага рипар: “Менинг юрагим битта, уни парчалашинг истамайман”, дея жавоб берган эди.

Дунё ҳар дақиқада бетакрор ҳусн ва фусунга моликлиги ила бизни бўса олмоққа чорлайверади, биз эса “лаббай” дея унинг чақириги ва чанқоғига жавоб бераверамиз, бераверамиз.....

Юрагимиз нечта?!

Марзия ИБРОҲИМ қизи

ОТМларда талабаларга стипендиялар тайинлаш учун ҳар бир ўқув йилида ўқув ишлари бўйича проректор раислигида стипендия комиссияси ташкил этилади.



“Асфальт қилиндими, энди қазиймиз!”

Транспорт инфратузилмаси иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Бунда замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда, республика транспорт салоҳиятини ривожлантиришда ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.



Сўнгги вақтларда юртимизда автомобиль йўллари сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, шу санадаги “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, шулар асосидаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган йўл қурилишини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган фикримизнинг тасдиғидир.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш билан бирга ушбу иншоотларни сақлаш ҳам бугунги куннинг долзарб масаласи. Зеро, автомобиль йўллари сифатли қурилса-да, уни сақлаш бўйича талабларнинг етарлича бажарилмаслиги йўлларнинг сифат кўрсаткичлари муддатидан илгари пасайишига сабаб бўлади.

Автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолатлардан бири — янгидан таъмирланган йўлда ишлар якунлангандан сўнг амалга оширилган қазиш ишлари натижасида йўл сифати бузилиши ва сифатсиз тикланиши оқибатида юзага келаётган ноқулайликлар ҳисобланади. Худди атай қилгандай асфальт қилинганнинг эртасига қазиш ишлари бошлаб юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни талабларига кўра, автомобиль йўллари қайси юридик шахслар ихтиёрида бўлса, ушлар билан келишмасдан туриб, каналлар, алоқа

“ Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш билан бирга ушбу иншоотларни сақлаш ҳам бугунги куннинг долзарб масаласи. Зеро, автомобиль йўллари сифатли қурилса-да, уни сақлаш бўйича талабларнинг етарлича бажарилмаслиги йўлларнинг сифат кўрсаткичлари муддатидан илгари пасайишига сабаб бўлади.

ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ҳамда бошқа коммуникацияларнинг автомобиль йўллари кесиб ўтишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, ишлар олиб бориш учун автомобиль йўлларидаги

ёки рухсатнома талабларига риоя этмаган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлларда ўзбошимчилик билан сунъий нотекисликлар ўрнатиш

ликлар бўйича давлат стандарти тасдиқланган. Унинг талабларига кўра, яхлит тузилиши сунъий нотекисликнинг максимал баландлиги 7 см дан ошмаслиги, сунъий нотекислик ўрнатилган йўлда “Сунъий йўл нотекислиги” оғоҳлантирувчи йўл белгиси ўрнатилиши лозим. Шунингдек, давлат стандартида сунъий нотекислик ўрнатилиши мумкин бўлган йўллар ва ўрнатилиши тақиқланган ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган.

Айнан юқоридаги каби муаммоларга барҳам бериш ҳамда автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси самардорлигини ошириш учун 2020 йил 22 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 147-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, эндиликда автомобиль йўллари-ни ўзбошимчилик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, йўлларни сақлаш қоидаларини бузишда ифодаланган қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бунинг учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн баравари миқдорда жарима солиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузурдаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан

тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик ҳолатлари бўйича “Ўйўлинспекция”нинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилиши белгилаб қўйилди.

Албатта, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг белгиланиши ушбу соҳадаги қонда бузилишларнинг камайишига сабаб бўлади. Лекин автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш кўп жиҳатдан ушбу талабларни бажаришга масъул бўлган идоралар вакиллари ҳамда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Бунинг учун мазкур ишларга масъул бўлган идора ва ташкилот ходимларидан ўзларига юклатилган шарафли вазифани сидқидилдан бажаришини илтимос қилардик. Фойдаланувчилардан эса йўлларга, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказмаслик, ўзбошимчилик билан сунъий нотекисликлар ўрнатмаслик, йўлларда ўзбошимчилик билан қазиш ишларини амалга оширмаслик, оммавий иншоотларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни сўраб қоламиз.

Алишер ТҮЙЧИЕВ,
“Ўйўлинспекция”
Бош юрисконсулти



ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш, тақиқлаш автомобиль йўллари қайси юридик шахслар ихтиёрида бўлса, ушар юридик шахслар томонидан берилган рухсатномалар асосида амалга оширилади. Бунда рухсатнома бериш жараёнида техник шартлар кўрсатиб утилади ва иш олиб боруви томонидан мазкур техник шартнинг бажариллиши йўл қопламаси сифатли тикланишини таъминлайди. Бироқ йўл қурилиши соҳасида ўтказилган назорат натижалари шунини кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда автомобиль йўлларида қазиш ишлари тегишли рухсатномасиз

ҳолатлари ҳам фойдаланувчилар учун ноқулайлик тудираётгани сир эмас. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицикация агентлигининг 2019 йил 7 июлдаги қарори билан сунъий нотекис-

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Toshkent mintaqaviy filial” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога “OLMAZOR KICHIK SANOAT ZONASI” АЖ нинг 2020 йил 9 январдаги №1 сонли буйруқ ва 2020 йил 3 январдаги № 4а/32 сонли буюртманомасига асосан, Ташкент шаҳар Олмазор тумани Янги Олмазор кўчаси 51-уй манзилида 1. “ГАЗ”5327 русумли, Давлат рақами 01/342 ZCA бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бошланғич баҳоси-6 087 600 сўм.

2. “ОДА3885” русумли, Давлат рақами 01/2910АА бўлган 1980 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бошланғич-4 773 750сўм автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2020 йил 9 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2020 йил 5 март куни соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2020 йил 9 март куни сотилмаган тақдирда, тақрорий

савдолар 2020 йил 16-23 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2020 йил 16 март савдолар учун 13 март соат 16:00; 23 март савдолар учун 20 март куни соат 16:00 да тўхтатилади. Савдола сотилиш баҳосидан 5% устига тўлаш шарти билан. Савдо ғолибига 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ХАТБ <<DAVR-BANK>> Бош Амалиётлар Бошқармасидаги ҳисоб-рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИНН:200 933 850

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Ташкент шаҳар, Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел:233-28-52.
Расмий сайт: www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 001805.



Харбий хизматчига ОТМга кириши учун тавсиянома бериш тартиби белгиланди.



Чин ошиқлик талқини

Алишер Навоий:

*Хилват топиб, сени жисмим аро жон айласам,
Балки жон хилватсаройи ичра меҳмон айласам,*

- деган мисраларни ёзганида қариллик фаслига етган ва руҳида унс ҳоли ғолиб эди. Буни байтнинг умумий мазмунидан, хусусан, хилват орзусидан илгаш қийин эмас.

Хилват — халқдан узоқлашиб, улардан айри яшаш учун бирор-бир гўшага чекиниш демак. Тасаввуфий маънода хилват ёки узлатдан кўзда тутилган асосий мақсад ёмон ахлоқдан ажралош, тубан ишлардан воз кечиш, қалбни жилолантириб, руҳни ҳузур ва фароғатга етиштириш. Бу узоқ давом этадиган ҳодиса эмас. Лекин шу қисқа муддатда маъшуқа ошиқнинг жисми аро жонга айланиши мумкин. Навоий эса ошиқлар учун доимий орзу бўлиб келган ёр ила хилват хусусида сўзлаётган. Аммо бу хилват моҳияти тамоман бошқача. Чунончи: ошиқ ёрни жисми ичра жон этиб «хилват саройи ичра меҳмон» қилиш билан кифояланмасдан, «танда жон янглиг» уни жон бағрида пинҳон тутмоқчи:

*Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун,
Танда жон янглиг сени жон ичра пинҳон айласам.*

Маълумки, жон форсий сўз бўлиб, руҳ, кўнгил, тириклик нафаси сингари маъноларни ифодалаган. Тасавуф ва тасавуф адабиётида жон тушунчаси жуда кенгайтирилиб, калима таркибига янги маънолар киритилган. Масалан, эндигина сайри сулуқ йўлига кирган дарवेशларга мавлавийлар «жон» дейишган. Кўп тарихатларда эса жондан мурод меърожи маънавий бўлган. Бундай

либ,
бўла-
жак-
шо-
ирнинг
Абулқосим
Бобур саройи-
идаги турмуши



Алишер Навоий ҳақида гап кетса, унинг болалик чоғиданоқ зехни ўткир бўлганлиги тилга олинади. Бинобарин, ҳар бир аллома қатори Навоийнинг болалик йилларига қизиқиш билан қаралишини инобатга олиб, шу хусусда сўз юриштишни жоиз деб билдик.

Манбаларга таянадиган бўлсак, улуғ шоирнинг навниҳол даври ҳақидаги дастлабки маълумот Давлатшоҳ Самарқандий қаламига мансуб. Бироқ у жуда қисқа бў-

юксалиш ҳолидан йироқ шеърхон висолни яшириш, махфий сақлаш учун «жон пардаси» ни имкони бўлгани қадар ҳар томонга осиш ёки қандай осишни умуман тасаввур қила олмайди:

*Анда ҳам жон пардасин ҳар сари осиб сатр учун,
Васлинг ихфосин нечаким, бўлгай имкон, айласам.*

Ҳўш, бу гаплар кимга қаратилган ва уларнинг ҳақиқатини ким тўғри англай олади? Ўзлик масаласида бош қотирмаган, ўзликдан кечиш йўл-йўриқларидан беҳабар ҳеч ким. Мосиводан (Ҳақдан бошқа ҳаммасидан) бутунлай фориг бўлиб Ҳаққа боғланган чин ошиқ ёки ориф мана бу байтда гап нима тўғрисида эканлигини тез ва хатосиз билиб олади:

*Чу бу хилват ичра не ўзлук эрур маҳрам, не мен,
Ҳар не номаҳрам дурур, ўздин паришон айласам.*

Аслида «Ўзлук» ҳам бир мен. Аммо Навоий шундай бир «хилват»дан баҳс юрилтаётгани, унда ўзликдан нисбатан ажралган, аниқроғи ишқ оташида тобланган иккинчи «мен» ҳам ёрга тўла маҳрам бўлишга қо-

“Ҳайрат ул-аброр” дан:

*Умр кунин қисмат этибтур қазо,
Ҳар чоғи бир ишга қилур иқтизо.*

*Ўнғача гафлат ила побасталиқ,
Жаҳл йигирмагачау мастлиқ.*

*Ўттизу қирқ ичра эрур айшу ком,
Ваҳки, манга ул доғи эрди ҳаром.*

*Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишу барча таназзул иши.*

*Етмиш аро вожиб эрур турмоғинг,
Саксон аро фарздур ўлтурмоғинг.*

*Тўқсон аро бўлди йиқилмоқ керак,
Юз аро жон таркин қилмоқ керак.*

дир эмас. Бироқ «ҳар не номаҳрам» бўлса, барча-барчасини ўздин йироқлаштиришга қасд қилган худди ана шу «мен» газалнинг бош қаҳрамонидир. Нафс ва нафсоний майлар унга ағёр бўлганидек, Ҳақдан йироқ қолганлар ва воқиф бўлмаганлар ҳам ағёрдир. У ишқ изҳорига тил нечоғлик ожиз деб билса, ҳижрон дарди шарҳида ҳам «безабонлиг» «усули»ни танлайди:

*Дафъ ўлуб ағёр, топсам бор ул хилват аро,
Безабонлиг бирла шарҳи дарди ҳижрон айласам.*

Тасаввур қилинганки, ошиқнинг хилватга даҳлдор ва байтма-байт таъкидланиб келинган дярли барча истак ёхуд хоҳишлари рўёбга чиқди. У энди мутлақ фориг ва сокин одам. Бундай ҳолининг ҳикмати нима? Биринчи ҳикмати, лаҳза мазмунни, лаҳза сурурини ўзида мужассамлаштирган ва лаҳза нуридан мунаввар ҳолга соҳиб бўлиш. Зеро, боқий умр асрори «бир лаҳзалик ушбу ҳол аро» яшириндир. Шу боис ҳам ошиқ ҳеч иккиланмасдан, «Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро», дейди. Иккинчи ҳикмат, ошиқлик камолини белгиловчи бехудлик ёки бехушлик «мақом»га кўтарилиш. Бу мақомда тил ишқ асрорига маҳрам эмаслигини англаган ошиқ бир умр жамол завқи ила нафас олишни истайди:

*Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро,
Ўзни бехуд, кўзни рухсорингга ҳайрон айласам.*

Сиртдан қаралганда, ғазал мақтаъсидаги фикр олдинги байтлардаги гаплар билан мантиқан унча боғланмайди. Чунки ўқувчи ишқ тарки иқрорини ҳаёлга ҳам келтирмайди. Аксинча, султоний бир ҳолга етишган ошиқликнинг истиқболига ўзича инонгиси келади. Аммо газалда талқин этилган «хилват» туйғусини ҳамма ҳам идрок қилишга қодир эмас. Айниқса, ўздин кечиб, ҳайрат водийсига етган «бехуд» ошиқ ахлоқига кўпчилик бошқача нигоҳ билан қараш табиийдир. Шоир масаланинг шу жиҳатини ҳам ҳисобга олади ва ишқ йўлидан чекинишга асло иложи йўқлигини шундай тарзда баён этади:

*Эй Навоий, дема иқрор айла ишқи таркини,
Ким инонғай, сар ўзумга буйла бўҳтон айласам.*

Олатда, орифона ғазалларда ҳаёт воқеа-ҳодисотлари ва инсон қисматига чуқур нигоҳ ташлаш, каттадир, кичикдир, ҳар бир нарсани фано ва бақо ҳоли ила мушоҳада қилишга даъват этилади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

сим Бобурга манзур бўлганини қайд этган. Унинг маълумотига Фахрийнинг «Алишер Навоийнинг ўн яшарлигида Абулқосим Бобур хизматига кирган»

эга эмасмиз.

Албатта, унинг шеърятга меҳр қўйиши ва ижодга кириб бориши масаласида, аввало, Алишер Навоийнинг ўзига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Унинг асарларидан ёшлик даврига оид келтирилган маълумотларни топиб изчил тартибда саналаштирсак, болалик йиллари тасвирларидан энг олди сифатида катталар ҳузурда Қосим Анвор ғазалини ўқиб бергани ва бу пайтда 3-4 ёшларда экани маълум бўлади. Мазкур маълумотда шоир ушбу шеър биринчи ёд олган ғазали эканлигини эътироф этгани янада аҳамиятлidir. Кейингиси, Шоҳрух мирзо вафотидан сўнг Алишерлар оиласининг Ироққа (ҳозирги Эрон) кўчиши ва Тафт қишлоғида Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви билан боғлиқ тафсилотлардир. Бу пайтда Навоий, ўз эътирофича, олти ёшда бўлган. Бошқа уринларда болалигига тааллуқли ёш саналарини кўрсатмаган.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

Даҳонинг илк дўсти

ва султон билан ораларидаги яқин алоқалар таъкидидан иборат. Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида шоирнинг болалик даврини муайян даражада ёритган. Кейинчалик Фахрий Ҳиротий, Заҳриддин Бобур, Сом мирзо Навоийнинг Хусайн Бойқаро билан мактабдош бўлганлигини айтиб ўтганларида сўзсиз унинг асарига суянганлар. Шунинг ҳисобга олиб, Давлатшоҳ ва Хондамир Навоий таржимаи ҳолининг умумий қолипини яратиб берган деб айтиш мумкин. Қолганлар ўша даврнинг ўзидаёқ озми-кўпми аниқлик киритиб борганлар. Жумладан, Фахрий Навоийнинг Абулқосим Бобур хизматига

кирганда ўн ёшда бўлганлигини таъкидласа, Сом мирзо Алишернинг Абулқосим вафотидан сўнг Машҳадда қолиб илм орттирганлигини тасдиқлаган.

Қўшимча сифатида Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган «Ҳолот»ида уларнинг дўстлигига қирқ йилга яқин вақт бўлганлиги айтиб ўтилганини кўрсатиш мумкин. Агар асарнинг милодий 1493 йили ёзилганлигини эътиборга олсак, уларнинг дўстлиги тахминан милодий 1457 йилдан, яъни Алишернинг 16-17 яшарлигидан бошлангани ойдинлашади.

Давлатшоҳ Навоийнинг ёшлигидаёқ зулисонайн ижодкор сифатида Абулқо-

тарзидаги таъкидини қўшсак, Навоийнинг жуда эрта форсий ва туркий тилда бирдек ижод қилишга интиланлиги маълум бўлади. Навоийнинг Лутфий билан бўлган суҳбатига келтирилган

*Оразин ёлғоч кўзумдин
сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо булур
юлдуз, ниҳон бўлғоч кўёш*

матлаъли ғазали шоирнинг ўспиринликда ёзган туркий тилдаги ижоди намунаси эканлиги Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асари туйғули илмий истеъмолга киритилди. Афсуски, биз ҳозирги кунда унинг болалигига ёзган форсий шеърларидан намуналарга

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат ОТМ шаклида Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилди.

Кундалик асаллик хариди

Ер юзи аҳолисининг 92 фоизи шаҳарларда яшайди. Йилгига киши бошига 100 кг чиқинди тўғри келади. Ишлатилиб, яроқсиз ҳолга келган полимер плёнкали пакетлар чиқиндининг энг мобил туридир. Биз супермаркетларда ишлатадиган полимер плёнкали пакетлар полиэтилендан тайёрланади.

Полимер плёнкали пакетлар Америкада 50-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди ва дарҳол катта шухрат қозонди. Атроф-муҳитга ташлаб юборилган пакетлар дунёда 4 триллион тоннани ташкил қилиб, уларни чириш муддати маълумотларга кўра, 200 йил давом этаркан. Чирганда ҳам тўлиқ эмас, жуда кўп миқдордаги майда пластмасса бўлақларга ва гранулаларга айланади, яъни бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Энг ёмони, улар ҳар хил йўллар билан ерга, сув ҳавзаларига, ҳайвонлар ва одамлар организмга тушади. Кундалик эҳтижмизда ишлатиладиган полиэтилен пакет-

лар чиқинди сифатида атроф-муҳитга таъсири йўқдек, гўё. Аммо ҳамма гап шундаки, дунё бўйича ҳар куни миллионлаб тонна полиэтилен чиқиндилари тўпланиб бормоқда. Ер юзидаги барча пластик пакетлари бир жойга йиғилса, ерни 4200 марта ўрашга қодир. Бугунги кунга қадар инсонлар томонидан 8,3 миллиард тонна полимер плёнкали пакетлар ишлаб чиқарилган. Улар биологик парчаланиш таъсирига

эга эмас. Жуда қулай ва амалий арзон бўлган полиэтилен пакетлари дунё ва сайёрамиз экологиясига катта муаммо келтириб чиқармоқда. Инсон организмга тушган полиэтилендан ҳосил бўлган моддалар мутаген таъсир кўрсатиб, ўсимта ҳосил қилиш даражасига олиб келади. Чунки у канцероген таъсирга эга.

Шу салбий таъсирларни ҳисобга олиб Америка, Бельгия, Кения, Хитой, Франция, Ирландия, Тайван, Бангладеш, Ҳиндистон, Чили ва ЖАР (Жанубий Африка Республикаси)

каби 40 га яқин давлатлар полиэтилен идишлар ва буюмлар ишлаб чиқишни тақиқлаган. Бир қатор давлатлар полиэтилендан бутунлай воз кечган. Бу давлатларда дарахт пўстлогидан тайёрланган қоғоз ҳамда ҳар хил синтетик ва пахта матоларидан ишлаб чиқилган пакетлардан фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан 2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг нархини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сотиладиган товарлар нархига қўшиб, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст

нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш тақиқланган бўлса-да, ҳалигача дўконлар, новвойхоналар, бозорларда ишлатилиб келинмоқда.

Бухоро вилоятида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилиб, инвесторлар томонидан чет элдан технология ускуналар олиб кирилиши йўлга қўйилди. Улар пластик чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқда.

Полиэтилен пакетлари муаммосини ҳал қилиш биргина Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мутахассисларининг вазифаси, деб қараш нотўғри, албатта. Унинг ечими ўзимизда. Кундалик харидимиз учун ишлатилиши лозим бўлган пакетлар ўрнига матодан ёки қоғоздан тайёрланган сумкалардан фойдалансак, атроф-муҳит ва ўз соғлигимиз учун оз бўлса-да, курашган бўламиз.

Бу борада экологик маданиятни ўз уйимиз, қолаверса, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш ширимизга айланиши зарур.

Хулкар БАРОТОВА,
Ўзбекистон Экологик партияси фаоли



Ҳаёт шунақа: кимдир Аллоҳдан ўз ишларини якунига етказиш учун вақт сўрайди. Кимдир эса инсон учун энг улуғ неъмат — ҳаётни қандай тугатишни ўйлайди. Беш қўл баробар бўлмагани каби инсонлар ҳам бир хил эмас.

Бир кун шундай одамни кўрдим: умрининг ҳар сониясидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиларди. Бу воқеага 4-5 йил бўлди, назаримда.

Баҳорнинг инсонга роҳат бағишловчи тонги чекиниб, кўёш қиздиришни бошлаган вақт эди. Автобус ойналарини очмасдан юришининг иложи йўқ, ҳатто, эшигини очиб юрса ҳам ҳеч ким эътироз билдирмасди.

Автобус шитоб билан йўлда давом этар, шу вақт бир киши мени ўзига жалб қилди. У ёши етмишни қоралаган, устидаги оқ халатига монанд сочла-

Инсонни енгиб бўлмайди

ри, ҳаттоки, қошлари ҳам оппоқ, худди умр йўлларида далолат бераётгандек ажинлари ҳам яққол кўзга ташланиб турарди. Аммо мени ҳайрон қолдирган ҳолат: у иккита кўзойнак тақиб олган эди. Ҳа-ҳа, кўриш қобилияти наслар учун мўлжалланган иккита кўзойнак тақиб олган эди. У фалати одам. У ки-

тоб ўқиш билан банд эди. Автобуснинг силкиниши етмагандек, қалтироқ қўллари ҳам "бўлди, етар, китоб ўқишни йиғиштир, умрининг энг лаззатли дамларини илм учун сарфлаганинг етмайми, қачон ўзинг учун яшайсан?" дегандек унга халақит беришга уринарди. Шунда ҳам у ўз ишини совуққонлик билан давом эттирарди.

Орадан вақтлар ўтди... Ўша гаройиб одамга яна дуч келдим. Бу сафар у билан гаплашиш учун ўзимга мутлақо бегона бўлган бекатда автобусни тарк этдим.

Унинг гапларини эшитиб, йиғлашимни ҳам, кулишимни ҳам билмайдиган аҳволга тушдим. Таъкиллашича, кўриш қобилияти суғлашаётгани сабабли бир неча мартаба

жарроҳларга муружаат қилган. Улар "кўриш қобилиятингизни энди жарроҳлик муолажалари орқали тиклаб бўлмайди" дегунча мунтазам назоратдан ўтиб турган. Аммо уларнинг маслаҳатларига ҳеч қулоқ солмагани оқибатида шу аҳволга тушган эди. Бошига келган бундай кулфатда ҳам ўзини йўқотиб қўймай, бошлаган ишларини якунига етказишга ҳаракат қиларди. Шу пайт қитмирлигим тутиб унга савол бердим: пунча ўқиб, изланиб нимага эришингиз? У табассум қилиб, шундай деди: "Юрагинг уряптими, демек тириксан... Юрагинг ҳаёт саҳнасини тарк етмаганингни тўхтовсиз эслатиб турганда, сенинг ҳаракатдан чекинишга умуман ҳаққинг йўқ".

Наҳотки, инсон боласи илм-маърифат учун жонини шу қадар жабборга берса... Наҳотки, одам фарзандлари шунчалик қатъиятли, бардошли бўлса... Наҳотки, нима унга озор етказса, шунга тобора яқинлашишга ҳаракат қилса...

Ҳақиқатдан, Эрнест Ҳеменгуэй айтганидек, инсонни янчиб ташлаш мумкин, аммо енгиб бўлмайди!

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ,
ЎЗЖОКУ талабаси



Орадан вақтлар ўтди... Ўша гаройиб одамга яна дуч келдим. Бу сафар у билан гаплашиш учун ўзимга мутлақо бегона бўлган бекатда автобусни тарк этдим.

<p>ЖАМИЯТ</p> <p>Муассислар: Фундаментал жамиятининг ривожлантириш маркази.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини</p>	<p>қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.</p> <p>Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди.</p> <p>Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.</p> <p>Ўзбекистон экологик ҳаракати.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.</p> <p>"Фундаментал жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали.</p>	<p>Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ</p> <p>Тахрир ҳайъати: Рустам Комилов Борий Алихонов Акмал Сандов Раҳмат Маматов Ақтам Ҳайитов Адҳам Икромов</p>	<p>Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-214 Адади: 1505.</p> <p>Жума кун чикади.</p> <p>Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси келишилган нархда.</p> <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>ISSN 2010-7722</p>	<p>Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев</p> <p>Дизайнер: Бегайи Эшонқуллов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55</p> <p>Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@shail.uz Газета индекси — 131</p> <p>"ЖАМИЯТ"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>ЎЗА ақуни: Тоширилган вақти: 19.45</p> <p>1 2 3 4 5 6</p>
---	---	---	---	---



Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020-2023 йилларда ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Чорва фермалари кўпаяди

Пойтахтимизда “Чорвачилик соҳасининг келажақдаги истиқболлари ва соҳадаги инновацион технологиялар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ри жалб қилиниб, четдан 400 мингдан ортиқ насли чорва моллари олиб келиниши кутилмоқда, — дейди “Халқ банки” бошқаруви раиси Фарҳод Саломов.

2019 йилнинг ноябрь ойида Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда ҳудудларда Андижон вилояти тажрибаси асосида “Оилавий кооперацияларни ташкил этиш” мақсадида

лавий чорва фермаларини ташкил қилиш, гўшт ва сут маҳсулотлари сотишга мўлжалланган кўчма савдо дўконларини ташкил этиш белгиланган.

барча тармоқларини илмий асосда ташкил этиш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш мақсадида Самарқанд ветеринария медицина институти қо-



Унда Халқ банки раҳбарияти, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачилик давлат қўмитаси, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси, хорижий ҳамкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Халқ банки томонидан чорвачиликка ҳар йили алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилда чорвачилик соҳасига

Халқ банкининг 3 трлн. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилиши режалаштирилгани иштирокчи тадбиркорларни қувонтирди.

— 2020 йилда айнан чорвачилик тармоғи учун хорижий молия институтларининг 200 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит линиялари



қатор вазифалари юклатилган эди. Хусусан, аҳолига 5 бошгача қорамоллар етказиб бериш, Қорақалпоғистон тажрибаси асосида камида 30 бош қорамол парвариш қилинадиган ои-

XalqBanki

Бу борада Халқ банки томонидан тадбиркорлар билан биргаликда 36 млрд. сўмлик 18 та лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли ишлар

шидаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ўқув курслари ташкил этилди. Ушбу марказда Халқ банкининг 580 млн. сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳисобига 1170 та осемнатор ўқитилди ва 2020 йилда яна 3

мингга яқин осемнаторларни ўқитиш кўзда тутилгани эса чорвачилик соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилаётганидан дарак.



Адлия вазири вазирликнинг 2019 йил фаолияти бўйича жамоатчилик олдида ҳисобот берди.